УЮШИҚ КЕСИМ ВА УЮШИҚ ГАП ҲАҚИДА

А. НУРМОНОВ, С. НУРМОНОВА

Ушбу мақолада вербоцентрик нуқтаи назардан ўзбек тилидаги содда гапларнинг марказий ва чегара компонентлари белгиланади. Гап қисмларининг умумий уюшиш тамойиллари аниқланади ва ана шу тамойиллар асосида гапларнинг ва гап бўлакларининг уюшиш ҳолатлари ёритилади.

Калит сўзлар: *вербоцентризм, предикативлик, атрибутив, мантиқ, психологик коммуникация, чизиқли тартиб, структур тартиб, стемма, конструктив марказ, уюшиқлик, алоқа тугуни, шажаравийлик.*

В данной статье освещаются ядерные и периферийные компоненты простого предложения узбекского языка с вербоцентрической точки зрения. Выявляется сущность однородности членов простого и компонентов сложного предложения.

Ключевые слова*: вербоцентризм, предикативность, атрибутивный, логика, психологическая коммуникация, линейный порядок, структурный порядок, стемма, конструктивный центр, однородность, узул связи, иерархичность.*

This article presents the materials of study of basic and secondary components of the simple sentence in the Uzbek language on the basis of verbocentrical approach. The essence of isomorphism between parts of simple sentences and components of complex sentence are analized in detail.

Key words: *verbocetrism, predicativity, attributive, logic, psychological communication, linier order, constructive center, homogenous.*

Тилшунослик тарихида гап ва унинг бўлакларга бўлиниши ҳақида турли қарашлар майдонга келган. Шунга қарамай, уларнинг деярли барчасида гапнинг муҳим белгиси сифатида предикативлик эътироф этилади. Предикатив маъно ифодаловчи ҳар қандай синтактик шакл гап ҳисобланади. Лекин предикативлик нима, унинг таркибий қисмлари нималардан иборат, деган саволга жавоб беришда турли оқимлар майдонга келди. Антик даврдан бошлаб атрибутив мантиқ таъсирида вужудга келган анъанавий синтактик назарияда предикативлик деганда кесимнинг эга билан муносабати, шахс ва сонда мослашуви тушунилади. Хусусан, проф. М.И.Стеблин-Каменский предикативлик ҳақида қуйидагиларни ёзади: “Бу мазмунига кўра мантиқдаги субъект ва предикат ўртасидаги муносабатнинг ўзидир” [10.44]. Шунга кўра, ҳар бир гап маълум бир ҳукмни ифодалайди. Предикация ҳодисаси фақат гап асосинигина эмас, балки ҳукм асосини ҳам ташкил этади. Атрибутив мантиқ ҳукм тузилишининг икки аъзолилигини, субъект ва предикат ўртасидаги муносабатдан ташкил топишини эътироф этади. Шундай мантиқ асосида шаклланган синтактик назария ҳам ҳукм тузилишга қиёсан гапнинг асосий тузилиш бирликлари (конструктив бирликлар) сифатида эга ва кесимни тан олади-лар. Натижада бош бўлаклардан бири қатнашмаган гаплар гап доирасига сиғмай қолди.

Мазкур камчиликни сезган А.А.Шахматов юқоридагидек мантиқий схемадан қочишга уринди. Ғарбий Европа тилшунослигида майдонга келган психологик коммуникация таълимотини қўллаб-қувватлади ва ривожлантирди. У предикативликни предикатив муносабат хисоблагани ҳолда, психологик суъбект билан психологик предикат ўзаро боғланиб, предикатив муносабатни ҳосил қилишини баён қилади [13.29]. Бу концепция гапнинг муҳим белгиси предикативлик эканини, предикативлик икки аъзодан иборатлигини тан олса ҳам, лекин мантиқий предикативлик билан грамматик предикативликни фарқлайди. Мантиқий ҳукм тузилиши билан грамматик предикативлик тузилиши ўртасида номутаносиблик бўлиши мумкинлиги, **зерикарли** типидаги гапларда психологик субъект билан психологик предикат бир аъзода мужассамлигини таъкидлайди. Натижада А.А. Шахматов бир составли гаплар назариясига асос солди.

Эга ва кесимни асосий, қолган бўлакларни эса факультатив (иккинчи даражали) бўлак деб ҳисоблаш гапнинг структур схемасини ва структур типларини белгилашда асосий мезон ролини ўйнади. Гап структурасига бундай қараш унинг таркибий қисмлари бош ва иккинчи даражали бўлакларга бўлинишини тақозо этади. Гапнинг структур схемасини ташкил этувчи предикатив

минимум ифодаловчи эга ва кесим шу гапнинг констуентлари сифатида бош бўлаклар; эга ёки кесимга тобе боғланиб, уларни кенгайтириб келган бўлаклар иккинчи даражали ҳисобланди. Бош бўлакларнинг гапдаги иштироки белгиси гапларнинг навбатдаги таснифи учун: бир бош бўлакли (бир составли) ва икки бош бўлакли (икки составли) гапларга бўлиш учун таянч белги вазифасини бажарди. Бош бўлаклардан фақат биттаси қатнашган гаплар бир бош бўлакли (бир составли), ҳар иккиси қатнашган гаплар икки бош бўлакли (икки составли) ҳисобланди.

Айни пайтда иккинчи даражали бўлакларнинг гапда иштирок этиш-этмаслик белгиси гапларнинг йиғиқ ёки ёйиқ турларга, предикатив минимумнинг миқдори белгиси эса содда ва қўшма гапларга бўлинишига асос бўлди. Иккинчи даражали бўлаклар иштирок этган гаплар ёйиқ, иштирок этмаган гаплар йиғиқ; фақат бир предикатив минимумдан ташкил топган гаплар – содда, икки ва ундан ортиқ предикатив минимумдан иборат бўлган гаплар – қўшма ҳисобланди. Бирдан ортиқ бир хил типдаги бўлакларнинг қўлланиш-қўлланмаслигига кўра уюшиқ бўлакли (уюшиқли) ва уюшиқ бўлаксиз (уюшиқсиз) гапларга бўлинди.

Атрибутив мантиқда предикат эганинг белгисини билдирувчи, унга тобе аъзо саналгани каби, анъанавий грамматикада ҳам кесим эганинг белгисини билдирувчи, унга нисбатан тобе вазиятда турувчи, айни пайтда, тўлдирувчи, ҳолларга нисбатан ҳоким вазиятни эгаллайдиган нисбий ҳоким бўлак сифатида тушунилди. Буларнинг бари предикативликни икки аъзодан иборатлигини эътироф этувчи назариянинг маҳсули сифатида майдонга келган илмий парадигмадир. Бундай парадигмада гапларнинг бир бош бўлакли, икки бош бўлакли гапларга, бир бош бўлакли гапларни эгасиз гаплар ва кесимсиз гапларга, бир хил шаклдаги эга ёки кесимнинг бирдан ортиқ қўлланилишига кўра уюшиқ эгали, уюшиқ кесимли сингари гап турларига тасниф қилишга назарий асос мавжуд.

XX аср ўрталаридан синтактик назарияда гапнинг структур маркази масаласида янгича қараш ва шунга мувофиқ гапнинг структур типларининг янгича парадигмаси майдонга келди. Бунга мувофиқ гапнинг мазмуний ва конструктив маркази кесим ҳисобланади. Чунки гапнинг моҳияти саналувчи предикативлик шакллари кесимга қўшилади ва гапнинг турли белгиларига кўра тавсифи кесимга қараб белгиланади. Бундай концепцияга кўра, предикативлик гап орқали ифодаланган мазмуннинг объектив борлиққа бўлган муносабатини билдириб, шахс-сон (персоналлик), замон (темпораллик), майл (модаллик), тасдиқ-инкор маънолари ва бу маъноларни ифодаловчи шакллар системаси саналади. Мазкур шакллар, асосан, кесимга қўшилади.

Ушбу назариянинг илдизи француз тилшунослигига, хусусан, Пор-Рояль грамматикасига бориб тақалади. Бу грамматиканинг муаллифлари Арно ва Ландслолар фақат феългина ҳукм ифодалаб, гапни шакллантириши ва коммуникатив бирлик сифатида гап тузилишида етакчи ўрин эгаллаши ҳақида фикр юритадилар.

Кўпжилдлик “Француз тили грамматикаси” (1911-1940) муаллифлари Ж.Домурет ва Э.Пишон ҳам семантик жиҳатдан гапнинг асосий компоненти феъл, қўшимча компоненти от (исм) бўлса, структур аспектда феъл – бош бўлак (regent), от (исм) эса унга тобе бўлак (regme) бўлишини баён қиладилар.

Феълнинг, аниқроғи, кесимнинг гапнинг структур маркази эканлиги Л.Теньергача рус тилшунослигида Ф.И.Буслаев, А.А.Потебня, А.М.Пешковскийлар; ўзбек тилшунослигида А.Фитрат ва А.Ғуломовлар тамонидан баён қилинган эди. Хусусан, А.А.Потебня ҳар қандай соф феълни минимал гап ҳисоблайди [6.78] А.М.Пешковский ҳам гапнинг характерли белгиси “кесимлик” экани, кесимлик эса феъллик асосига қурилишини таъкидлайди. [5.172]. Шундай бўлишига қарамасдан, жаҳон тилшунослигида кесим гапнинг тузилиш маркази эканини олға сурувчи синтактик назариянинг асосчиси сифатида Л.Теньер эътироф этилди. Чунки у бу ғояни лингвистик концепция даражасига кўтарди.

Л.Теньер структур синтаксис асослари ҳақида фикр юритар экан, гап структурасини белгилашда тобелик тамойилига суянади. Унинг фикрича, структур синтаксиснинг объекти гап, гап эса сўзлар муносабатидан ташкил топган бутунлик саналади. Гап таркибидаги сўз луғат таркибидаги сўздан фарқли равишда алоҳидалик белгисини йўқотади. Чунки гап таркибидаги сўз бошқа сўзлар билан алоқага киришади. Бу алоқаларнинг йиғиндиси гап скелетини, яъни структурасини ташкил қилади. Л.Теньер сўзлар ўртасидаги алоқани *алоқа чизиғи* атамаси билан ифодалайди. Алоқа чизиғини белгилашда тобеликка катта эътибор қаратади. Гап узвлари ўртасидаги синтактик алоқа сўзлар ўртасидаги тобеликни белгилайди.

Л.Теньер гап узвлари икки хил тартибга: структур ва чизиқли тартибга эгалигини, структур тартиб гапнинг структур схемасини, чизиқли тартиб эса структур схеманинг нутқий жараёндаги воқеланишини кўрсатишини таъкидлайди. Шунинг учун структур тартиб гап узвларининг вертикал

йўналишдаги тартибини, чизиқли тартиб эса горизонтал йўналишдаги тартибини ифодалайди.

Структур тартиб шажаравийлик хусусиятига эга бўлиб, ҳар бир синтактик алоқа қуйида турган элемент билан юқорида турган элементни бирлаштиради, юқоридаги элемент қуйидагини тобелайди. Вертикал йўналишидаги ҳар бир синтактик алоқани тасвирловчи чизиқ *стемма* деб номланади. Стеммалардаги бошқарувчи қисм алоқа тугуни саналади. Гап бир ёки бир неча алоқа тугунларидан иборат бўлади. Бир неча алоқа тугунларига эга бўлган гап алоқа тугунлари иерархиясини ташкил этади. Бундай гапларда алоқа тугунлари чўққисида феъл туради. Айни пайтда феълдан бошқа сўзларнинг ҳам тугун бўлиб келиши инкор этилмайди [11.26].

Л.Теньер синтактик концепциясида гап маркази феъл ҳисобланган учун бу йўналиш жаҳон тилшунослигида вербоцентризм (лот. verbun “феъл”) номи билан ҳам юритилади.

Предикативликка мантиқий ёндашувга, эга ва кесим муносабати сифатида қарашга В.В.Виноградов ҳам танқидий ёндашди. Бу ҳодисанинг фақат гап бўлаклари ўртасидаги алоқа билан боғлиқ эмаслигини, у бўлакларга бўлинмайдиган *Жим! Иссиқ!* типидаги гапларда ҳам мавжудлигини, бундай гапларда предикативлик модаллик, замон ва шахс синтактик категориялари орқали ифодаланишини баён қилади [2.87].

И.Сизов дунёнинг турли тилларидаги конкрет гап типларини таҳлил қилар экан, эга билан кесим гапларнинг зарурий белгиси деган тезиснинг унчалик тўғри эмаслигини айтади [9.29].

А.А.Холодович предикативлик белгисига кўра фақат кесим гап таркибида етакчи ўрин эгаллашини, гапнинг бошқа бўлаклари кесимнинг актанти ва сирконстанти сифатида функциялашишини кўрсатади [12.298]. Худди шундай фикр Т.П.Ломтев томонидан ҳам баён қилинади [3.56]. Шунингдек вербоцентризм хинд-европа ва рус тиллари материаллари асосида И.И.Распопов ва В.С.Юрченколар томонидан ҳам ривожлантирилди [7.6].

Саксонинчи йиллардан бу ғоя ўзбек тилшунослигига ҳам таъсир этди [4.5].

Гапнинг мазмуний ва тузилиш маркази сифатида эга билан кесимни эътироф этувчи назариядан кесимни эътироф этувчи назарияга, атрибутив парадигмадан вербоцентрик парадигмага ўтиш анъанавий синтаксисда ҳукм сурган гап қурилиши билан боғлиқ бир қатор тушунчаларга ўзгартириш киритишни талаб этиши табиий бир ҳол.

Аввало, гап ва унинг моҳияти, гап бўлаги ва унинг моҳиятини белгилаб олиш зарурияти туғилади. Гапни бошқа синтактик ҳодисалардан фарқлаб турувчи муҳим фарқловчи белги предикативликдир. Ана шу белгининг мавжудлиги билан гап сўз бирикмасига зидланади. Предикативлик шакллари кесимга қўшилиши, шунинг учун кесимсиз гап бўлмаслиги, кесим гап бўлаги эмас, гапнинг ўзи, гапнинг ядроси, энг кичик гап (Юрченко В.С.) эканлиги таъкидланади. Гапнинг ҳар қандай тавсифи: ифода мақсадига кўра тури, тасдиқ-инкорликка кўра тури, йиғиқ-ёйиқликка кўра тури, содда-қўшмаликка кўра тури ва бошқалар кесимга қараб белгиланади. Демак, гапнинг энг муҳим белгиси предикативлик экан, ана шу маънони ифодаловчи бирлик кесим саналади. Кесим предикатив маъно ва шаклга эга бўлган энг кичик бирлик сифатида гап бўлаги эмас, гапнинг ўзидир.

Кесимнинг гап бўлаги эмас, гапнинг ўзи эканлиги яна шу билан далилланадики, гап бўлаги тобе муносабатда бўлган икки синтактик бирликнинг тобе вазиятда турган қисмига нисбатан белгиланади. Тобе қисмнинг синтактик позицияси аниқ бўлади. Ҳоким қисмнинг синтактик позицияси эса синтактик алоқа занжирининг бошқа ҳалқаси учун тобе вазиятдаги ҳолатига қараб аниқланади. Кўринадики, гап бўлагининг муҳим белгиси тобе вазиятда бўлишдир. Бу нуқтаи назардан кесим ҳеч қачон тобе вазиятда келмайди. У тобе вазиятдаги синтактик бирликлар билан кенгаяди. Эргаш гап вазифасида келганда ҳам тобе вазиятдаги сўзшакллар билан кенгаяди. Бош гапга тобе бўлиб келиши эса бошқача қонуният билан изоҳланади. Шунинг учун Л.Теньер назарияси негизида боғлиқлик ва тобелилик ётади. Бунга кўра, кесимга тобе боғланиб, унинг таркибини кенгайтирувчи ва мазмунини конкретлаштирувчи аъзолар юнктив ва транслятивлар (баъзи адабиётларда актантлар ёки аргументлар ва сирконстантлар) саналади. Бу нуқтаи назаридан эга ҳам тўлдирувчи ва ҳоллар сингари актантлар қаторида туради, кесимнинг эга позициясидаги актанти саналади.

Ўзбек тилшунослигида вербоцентризмнинг ривожланаётганлиги диққатга сазовор. Чунки вербоцентрик талқин туркий тилларнинг синтактик табиатини тўғри ва аниқ ёритиб беришга ёрдам беради. Лекин вербоцентрик йўналиш асосига қурилган айрим адабиётларда гапнинг ички тузилиши тавсифида бу йўналиш инкор қиладиган, анъанавий атрибутив мантиқ андозасидаги предикативлик назарияси талаби билан майдонга келган тушунчалар қоришиб кетмоқдаки, бу вербоцентризмнинг мантиқий изчиллигига футур етказади. Хусусан, Р.Сайфуллаева раҳбарлигида ёзилган “Ҳозирги ўзбек тили” дарслигида синтаксис бўлими вербоцентризм асосига қурилгани таҳсинга лойиқ. Унда “Нуткдаги барча гапларнинг кесимдан

бошқа бўлаклари олиб ташланса ҳам, у гап бўла олиши” баён қилинади [8.361] ва бу тезис асарнинг таянч нуқтаси саналади. Шундай бўлишига қарамасдан, анъанавий синтактик таълимот таъсирида эганинг ифодаланишига ҳам алоҳида урғу берилиб, шу белгига кўра гаплар эгали ва эгасиз гапларга бўлинади. Бундай ёндашувда актантларнинг иштирок этиш иштирок этмаслик белгисига кўра тўлдирувчи ва тўлдирувчисиз, ҳолли ва ҳолсиз гапларга ҳам бўлишга тўғри келадики, бундай тасниф гапнинг структур типларини белгилаш учун ортиқчадир. Бунинг устига эганинг ифодаланиши зарурий эканлигини тасдиқлаш учун берилган мисолларда эганинг ўзи йўқ. Масалан, **Бу воқеадан Жамшиднинг капалаги учиб кетди** типидаги фразеологизм таркибидаги капалаги “эга ифодаланишининг зарурлиги” сифатида тақдим этилади. Ваҳоланки, фразеологизм узвлари яхлитлашган бутунлик сифатида бутун гап учун битта синтактик функция бажариши илмий жамоатчилик учун ойдек равшан.

Муаллифлар содда гапларнинг тенг боғланишга эга сўзлар билан кенгайиши ҳақида фикр юритар эканлар, тенгланиш қаторини ҳосил қилган сўзшакллар бир кенгаювчи сўзшаклга тобеланиб, синтактик жиҳатдан бир хил мавқега эга бўлиши, бундай сўзшакл уюшиқ сўзшакл дейилиши, тенгланиш қатори гапда ҳар қандай синтактик мавқени (кесим, эга, ҳол, тўлдирувчи, аниқловчи) эгаллаши, гапнинг конструктив бўлаклари ҳам уюшиши мумкинлигини баён қиладилар [8.311]. Ундовларнинг уюшиши ҳақида фикр юритилгани ҳолда, амалда ундалмаларнинг уюшишига мисол келтирилади (Азиз дўстлар, юртдошлар, сизларни соғиниб яшадим).

Дарсликда уюшиқ сўзшакларнинг муҳим белгилари сифатида “ўзаро тенг боғланиш”, “бир хил синтактик мавқени эгаллаш “ҳамда “бир умумий кенгаювчи сўзшаклга тобеланиш” эътироф этилади. Ана шу эътирофнинг ўзи ҳам тенгланиш қаторини ҳосил қилган кесимларнинг уюшиқлик белгисига тўлиқ эга эмаслигини кўрсатади. Чунки муаллифлар кесимни ҳеч қандай сўзшаклга тобе муносабатда бўлмаслигини эътироф этадилар.

Муаллифлар уюшиқ сўзшакл билан уюшган сўзшаклни аралаш ҳолда қўллайверадилар [8.342] Хусусан, **уюшиқ сўзшакл** синтактик мавқе ва морфологик шаклланиш жиҳатидан бир хил бўлади. **Уюшган сўзшаклларнинг** охиргиси тегишли грамматик шаклни олиб, олдингилари олмаган бўлиши ҳам мумкин: **Майдонни бегона ўт, тош ва ҳар хил чиқиндилардан тозаладик.** Бунда уюшган сўзшакларнинг охиргиси (**чиқиндилардан)** чиқиш келишигида. Бироқ бу уюшган сўзшакларнинг грамматик шаклланиши ҳар хил бўлиши ҳам мумкин дегани эмас. Чунки оҳирги сўзшаклдаги грамматик кўрсаткич бошқаларга ҳам тегишли. Фақат нутқни тежаш грамматик кўрсаткичнинг барча сўзшаклларда такрорланишига монелик қилиши таъкидланади.

Уюшиқ бўлакларга хос бўлган “бир хил грамматик шаклга эга бўлиш” ва бу “шаклнинг ҳар бир уюшувчи бўлакда такрорланиши ёки охиргисида қўлланиб, бошқаларига ҳам тааллуқли бўлиши” белгиси кесимга келганда инкор қилинади. Уларнинг баён қилишларича, уюшган эга, ҳол, тўлдирувчи ва аниқловчида тегишли грамматик шакл ҳар бир сўзшаклда алоҳида-алоҳида мавжуд бўлиши ҳам, фақат охиргисида бўлиб, олдингиларида бўлмаслиги ҳам мумкин. Бироқ уюшган кесимларда кесимлик шакллари билан фақат охирги кесим шаклланган, бошқалари бу қўшимчани олмаган бўлади. Кўринадики, кесимга келганда уюшиш ҳодисасининг умумий тамойили бузилади. Кесимдан бошқа позицияда келган уюшиқ сўзшакларнинг грамматик шаклланиши бир тамойил, кесим позициясида келган сўзшаклнинг грамматик шаклланиши эса бошқа тамойил асосида белгиланади.

Муаллифлар гапларнинг ҳам уюшиши мумкинлиги ҳақида фикр юритадилар ва гапларнинг уюшишини икки турга ажратадилар: 1) уюшган гап; 2) уюшиқ гап. Битта умумий [Pm] га эга бўлган бирдан ортиқ [w] дан ташкил топган **Укам расм чизар ва синглим телевизор кўрар эди** типидаги гаплар уюшган гап ҳисобланади.

Баҳор келса, боғлар яшнаса, сайлга чиқамиз; баҳор келса, боғлар яшнайди ва сайлга чиқамиз типидаги бирдан ортиқ кесимлик шаклидаги атов бирлигига эга бўлган гаплар **уюшиқ гаплар** саналади.

Вербоцентризм концепциясига таянган бу асарда уюшиқлик ҳодисасини белгилашда муаллифлар атрибутивизм соясидан қутулиб кетолмайди. Уюшиш ҳодисаларининг қолипини тузишда эга билан кесим гапнинг конструктив қисмлари деб ҳисобланади.

Шунингдек, содда ва қўшма гапларни белгилашда битта омил: гапда нечта шаклланган кесимнинг мавжудлиги эътиборга олиниб, эганинг бор-йўқлиги, ифодаланган-ифодаланмаганлиги аҳамиятсиз бўлса, уюшган гапни белгилашда иккита: 1) битта шаклланган кесимнинг мавжудлиги; 2) бирдан ортиқ уюшган эганинг мавжудлиги омиллари асос бўлиши таъкидланади.

Муаллифлар фикрича, уюшиқ кесимли содда гапда эга битта, [Pm] қисмлари умумий бўлган кесимлар бирдан ортиқ бўлади. Кўринадики, улар

[Pm] қисмлари умумий бўлган бирдан ортиқ [w] нинг ҳар бири кесим эканини эътироф этадилар. Лекин эганинг конструктив бирлик эканлигини эътироф этувчи назария таъсиридан ҳоли бўлмаганлари сабабли, унча мураккаб бўлмаган объект табиатини ёритишда ўта мураккаблаштиришга йўл қўйилади.

Вербоцентризмга кўра кесим гапнинг ядроси, конструктив қисми, кесимнинг ўзи энг кичик гап ҳисобланар экан, мантиқ бирдан ортиқ кесимнинг уюшиб келишини бирдан ортиқ гапнинг уюшиши деб санашни тақозо этади. Кесимлик шаклининг уюшаётган кесимларнинг ҳар бирида ёки энг охиргисида қўлланиб, барчасига тегишли бўлиши уюшиш ҳодисасининг умумий белгисини намоён қилади. Демак, кесимнинг уюшиши гап бўлагининг эмас, гапнинг уюшишидир.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳар қандай бирдан ортиқ кесимлар уюшиқ ҳисоблана бермайди. Масалан: 1. *Ишласанг, тишлайсан*; 2. *Қўнғироқ чалинди ва дарс бошланди*; 3. *Баҳор келса, гуллар очилса, кўнглим равшан бўлади*. Биринчи гапда иккита кесимнинг биринчиси эргаш гап мавқеида, иккинчиси бош гап мавқеида бўлиб, биринчи кесим иккинчи кесим билан тобе муносабатда. Иккинчи гапда эга билан кенгайган икки кесим ўзаро тенглик муносабатида. Учинчи гапда ҳам эга билан кенгайган биринчи ва иккинчи кесимлар ўзаро тенг, бу икки кесим учинчи кесимга нисбатан тобе муносабатдадир. Шунинг учун биринчи ва иккинчи кесимлар ўзаро уюшган саналади ва бир хил синтактик позицияда келади.

Шундай қилиб, тенг муносабат барча уюшиқ сўзшаклларнинггина эмас, гапларнинг уюшиши учун ҳам релевант белги бўлиб хизмат қилади.

Гап бўлаклари сатҳида “уюшиқлик” ва “уюшганлик” фарқланмас экан, тилнинг сатҳлараро изоморфлик қонуниятига амал қилган ҳолда, гап сатҳида ҳам ана шу тамойилни сақлаб қолиш ўринли. Гапларнинг уюшишини уюшиқ ва уюшган турларга ажратиш “уюшиқлик”нинг “уюшувчи аъзоларга хос грамматик шаклнинг барча аъзоларда алоҳида-алоҳида қўлланиш ёки охиргисида қўлланиб, барчасига тегишли бўлишлик умумий белгисидан четга чиқишдир.

Адабиётлар:

1. Комилов Н. Румийни англаш иштиёқи // Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий. Куллиёт, биринчи жилд, биринчи китоб, Тошкент, 1999.

2. Грамматика русского языка. Т. 2, ч. I. – М., 1954.

3. Ломтев Т.П. Структура предложения в современном русском языке. – М., 1979.

4. Нурманов А. Проблемы системного исследования синтаксиса узбекского языка. – Ташкент, 1982; Нигматов Х. Г. и др. Структура предложения и актуалные вопросы синтаксиса тюркских языков // Советская тюркология. – 1984. – № 5.

5. Пешковский А. М. Русский синтаксис в научном освещении. – М., 1938.

6. Потебня А.А. Из записок по русской грамматике. Т. I-II. – М., 1988.

7. Распопов И.И. Сказуемое как конструктивный центр предложения // Теоретические проблемы синтаксиса современных индоевропейских языков.– Л., 1975; Юрченко В.С. Сказуемое (на материале русского языка) // ВЯ. – М., 1975, № 6.

8. Сайфуллаева Р. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек тили.- Т., 2007.

9. Сизов И.А. Что такое синтаксис? - М., 1966.

10. Стеблин-Каменский М.И. О предикативности // Спорное в языкознание. – Л., 1974.

11. Теньер Л. Основы структурного синтаксиса.– М., 1988.

12. Холодович А. А. К вопросу о доминанте предложения // Проблемы грамматический теории. –Л., 1979.

13. Шахматов А.А. Синтаксис русского языка.– Л., 1941.

Андижон давлат университети,
2013 йил 1 октябрда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. М.Саидхонов)